

ТАРИХ ФАНИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ МЕДИАКОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

Рисолат Усмоналиева

Сурхондарё вилоят ХТХҚТМОҲМ катта ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада тарих фани ўқитувчиларининг медиакомпетентлигини ривожлантиришга доир айрим масалалари, жумладан, таълимда компетенциявий ёндашув шароитида ахборотлашган жамиятга ўқувчиларни мустақил фикр юритишга, ижодкорлик фаолиятларини ривожлантиришга, ахборот олиш, уни қайта ишлаш, умумлаштириш, хулоса чиқаришга ундовчи медиатаълим имкониятлари ҳақида фикрлар баён этилган.

Таянч сўз ва иборалар: тарих, ўқитувчининг медиакомпетентлиги, компетенциявий ёндашув, ахборотлашган жамият, мустақил фикр, ижодкорлик фаолияти, ахборот, медиатаълим.

ABSTRACT

This article discusses some issues related to the development of media competence of history teachers, including media education opportunities that encourage students to think independently, develop creative activities, receive, process, generalize and draw conclusions in an informed society in a competent approach to education.

Keywords: history, teacher media competence, competency approach, information society, independent thinking, creative activity, information, media education.

КИРИШ

Ҳозирги кунда педагогларга ўзининг самарали фаолиятини ташкил қилишда ўқув, илмий ҳамда маданий-маърифий тадбирларни тўғри режалаштириши ва амалга ошириши, касбий педагогик маҳоратини узлуксиз ошириб боришда ўзгариб боровчи замонавий талабларга тезкор равишда мослашиб бориш каби талаблар қўйилмоқда.

Таълимда компетенциявий ёндашув орқали ўқувчиларнинг шахсий, касбий ва ижтимоий ҳаётларида учрайдиган вазиятларда эгаллаган турли типдаги малакаларини самарали равишда



қўллашга ўргатиш, таълим муассасасида умумтаълим фанлари бўйича ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларга эга бўлишлари билан биргаликда, ўз фикрини бошқаларга тушунтира олиш, бошқаларни тинглаб уларни тушуна олиш, баҳсга киришиш, кундалик ҳаётда муваффақиятларга эришиш учун ўқувчи ушбу ахборотларни излаб топиши, таҳлил қилиш, билим, кўникма ва малакалардан кундалик ҳаётларида учрайдиган муаммоларни ҳал этишда фойдалана олишларини шакллантириш зарур[1]. Буларни, албатта, ҳар бир ўқитувчи ўзининг самарадор дарслари орқали амалга оширади. Бу борада, айниқса, таълим-тарбияни медиатаълим орқали амалга оширса, амалий натижа яққол кўзга ташланади. Зеро, педагог кадрларнинг таълим-тарбия жараёнларидаги рақобатбардошлиги унинг илғор таълим технологияларини ўзлаштириш қобилияти, ўзгарувчан ҳамда ошиб бораётган касбий талабларга мослаша олишига боғлиқ.

Дунё ривожланишининг асосий тенденциялари орасида ахборотлашган жамиятга ўтиш муҳим вазифа, яъни жамиятнинг барча жабҳаларида медиавоситаларининг таъсири долзарб муаммо саналади. Шу асосда ўқитувчиларнинг узлуксиз касбий ривожлантиришда медиакомпетентлик устувор соҳа бўлиб қолмоқда.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Ўқитувчиларнинг касбий тайёргарлиги ҳамда компетентлиги муаммоси Р.Х.Жўраев, Ш.Э.Қурбонов, Э.А.Сейтхалилов, Ф.Р.Юзликаев, А.Р.Ходжабоев, У.И.Иноятов, З.К.Исмаилова, Қ.Т.Олимов, Н.А.Муслимов, Х.Ф.Рашидов, Ш.С.Шарипов, Ж.А.Хамидов, О.Х.Тўрақулов, Д.О.Химматалиев, О.А.Қуйсинов кабилар томонидан тадқиқ қилинган[2].

Ўзбекистон Республикасида медиатаълим муаммолари С.Бекназарова, Я.Маматова, С.Сулайманова, С.Бабажанов ва бошқа бир қанча олимлар томонидан ўрганилиб, илмийметодик асослари ишлаб чиқилган. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари олимларидан А.Федоров, А.Милютина, А.Веряев, В.Протопопова, Е.Никитина, И.Фатеева, Г.Онкович, Л.Зазнобина, Н.Змановская кабилар медиатаълимни ташкил этиш бўйича салмоқли изланишлар олиб борган[3].

С.С.Бабаджонов “Медиакомпетентлик педагогикада умумий тарзда шахснинг турли кўриниш, жанр ва шакллардаги медиаматнни танлаш, фойдаланиш, танқидий таҳлил қилиш, баҳолаш, яратиш ва узатиш, социумда медиафаолиятининг мураккаб



жараёнларини таҳлил қилишга тайёрликда намоён бўладиган интегратив сифати тарзида қаралади” деган фикрни илмий изланишлари давомида келтириб ўтган[2,5-6].

М.М.Вахобовнинг фикрига кўра, ўқувчи-ёшларда медиасаводхонлик, медиамаданият ва медиакомпетентликни ривожлантириш орқали турли ахборот хуружлари, бузғунчи ёт ғоялардан асраш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш таълим тизимининг энг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади[2].

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

“Медиа муҳит” тушунчаси – бу медиа воситалар ёрдамида амал қилувчи, ахборот фазосининг ҳар бир конкрет индивидуум ва умуман жамият учун мос вариантини яратувчи, ҳамда замонавий ахборот жамиятининг асосий маданияти ҳисобланадиган маданий муҳит[3, 45].

Ўқитувчиларида медиакомпетентликни ривожлантиришга оид нисбатан муҳим бўлган қуйидаги дидактик шарт-шароитлар:

- медиакомпетентликни ривожлантириш жараёнини педагогик кузатиш;
- фаол касбий ижодий фаолиятга йўналтириш;
- ўқитувчилари педагогик ва тармоқ ҳамкорлигини ташкил қилиш[4].

Ўқитувчиларда медиакомпетентликни ахборот технологиялари воситасида ривожлантириш жараёни вазиятини яратишда мазкур педагогик жараён иштирокчилари, яъни, ўқитувчилари фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари, унинг таркибий қисмлари мазмуни, компьютерни ўқувчининг фаолият объекти сифатида жалб этиш ҳолатлари кузатилди. Ахборот-коммуникация технологиялари воситасида ўқитишда ўрганилаётган педагогик ҳодиса ёки жараённинг ахборот модели ҳам ўқувчи фаолиятининг объекти ҳисобланади. Ўқитувчиларда медиакомпетентликни ахборот-коммуникация технологиялари воситасида ривожлантириш дидактик таъминотининг зарурий шарти педагогнинг мазкур жараёнга тайёрлиги ҳисобланади.

Замонавий педагог медиакомпетентлиги ахборот кўрсаткичларининг ривожланиши унинг медиатаълим фаолиятини амалга оширишга назарий тайёргарлигининг муҳим босқичи саналади[5]. Одатда, педагоглар медиа тўғрисидаги билимларни яхши эгаллаган бўлади ва интернетнинг фаол фойдаланувчилари ҳисобланади. Шу билан бирга, аксарият педагоглар медиакомпетентликдан юқори даражадаги ахборотларга эгалиklarини намоёиш этишга қийналадилар: уларнинг медиа педагогиканинг таянч атамалари тўғрисидаги



билимлари етарли эмас, медиа ва медиатаълим назарий соҳасига оид билимлари етишмайди, медиа тили, жанрлари нисбийлиги, медиамаданият ривожланиш тарихи асосий фактлари, медиамаданият арбоблари ижодининг ўзига хос жиҳатлари тўғрисида фақат тахминий тасаввурларга эга бўладилар.

Кўплаб ахборот таҳдидлар ёшларимиз онгига салбий таъсир кўрсатишга уринаётган бир даврда ана шу жараёнларни психологик таҳлил қилиш ва ёшларимизни бундай медиатаҳдидлардан муҳофаза этишнинг йўллари излаб топиб, ҳаётга жорий этиш жуда муҳим вазифа ҳисобланади. Бундай шароитда медиакомпетентликни замонавий талабларини ҳисобга олган ҳолда ривожлантириш, бу жараённинг педагогик шароитларини аниқлаш талаб этилади. Ҳозирда илмий-техник тараққиёт талабларига мос ҳолда олий таълим муассасалари талабаларининг ахборот технологиялари борсидаги билимларини такомиллаштириш орқали медиакомпетентликни ривожлантириш йўналишларини белгилаш лозим.

Тарих фани дарсларида компетентли ёндашув таълим натижасига урғу берадиган ёндашувдир. Бунда таълим натижаси ўзлаштирилган ахборотлар йиғиндиси эмас, балки шахсни турли муаммоли вазиятларда ҳаракат қилиш қобилиятидан иборат бўлади.

Тарих фани дарсларида медиакомпетентлик ҳозирги кунда инновацияларни тадбиқ этиш учун креативликка боғлиқ бўлган инновацион таълим технологияларига асосланган. Медиакреативлик (медиа соҳасидаги ижодкорлик) медиакомпетентли ўқитувчи фаолиятидаги ижодий қобилиятдир. Медиакреативлик инновацион ўқитиш муҳитини белгилаб, медиакомпетентликни ривожлантиришга олиб келади.

Тарих фани бўйича барча киритилган мавзулар бўйича ўқув машғулотларнинг технологик харитаси, замонавий педагогик технологиялар (синквейни, Веер, SWOTтаҳлил, кейс стади, тест, медиа тушунчалар бўйича кластер ва х.к.) асосида дарсларни ўтказиш ишланмалари ишлаб чиқилган.

Ўқитувчининг ахборот-коммуникацион ва педагогик технологияларни дарсда мақсадли қўллаши вақтдан унумли фойдаланиш, мукамаллик, кетма-кетлик, мослашувчанлик, ривожланиш, кенг қўламлик, кўргазмалилик каби имкониятларни очиб бериш билан бир қаторда мавзуга оид ўқув материалларини ўқувчилар тўлақонли ўзлаштиришларига замин яратади. Ўқитувчи дарсда иштирок этаётган ҳар бир ўқувчининг диққатини мавзуга қарата олади, уларнинг фаоллигини таъминлайди. Дарсда ахборот-коммуникацион



технологияларнинг қўлланилиши электрон дарсликлар, электрон қўлланма, қўшимча манбалар, электрон топшириқлар ва мультимедиали маълумотлардан кенг қамровли фойдаланиш имконини беради. Интернет тармоғи ўқувчиларга мавзуга оид энг янги манбаларни қисқа фурсатда топиб ўқиш ва мустақил ишлаш имкониятини бериш билан бир қаторда ўқувчиларда замон билан ҳамнафас яшаш, ҳар бир ўқув материалининг туб моҳиятига етиш, манба ва маълумотлар устида мустақил ишлаш, қиёсий таққослаш қобилиятлари шаклланишига замин яратади

Медиа таълими ўқувчиларни мустақил фикр юритишга, ижодкорлик фаолиятларини ривожлантиришга, ахборот олиш, уни қайта ишлаш, умумлаштириш, хулоса чиқаришга ўргатади.

Умумий ўрта таълим мактабларида 11-синф “Ўзбекистон тарихи” дарсида (15-мавзу) Ўзбекистонда маънавий ва тарихий мероснинг тикланиши мавзусида ўқувчиларга янада кўпроқ дарсликдан ташқари маълумот тақдим этишда ўқитувчи бевосита компьютер ёки мобил телефон ёрдамида megos.uz [6] сайтига мурожаат этиши мумкин. Сайтда Ўзбекистон Республикасининг барча вилоятларидаги бугунги кунда мавжуд бўлган меъморчилик иншоотлари, археологик ёдгорликлар, техник иншоотлар, зиёратгоҳлар ва музейлар ҳақида бирламчи маълумотлар олиш имконияти мавжуд. Масалан, ушбу сайт орқали ўқитувчи видеопроектор ёрдамида Тошкент телеминораси ҳақида умумий маълумот, унинг тарихи ва фото расмларини намойиш қилиши мумкин.

Ё худ <https://e-tarix.uz/> сайти [7] да жаҳон халқлари тарихига оид манбалар, хужжатли фильмлар, меъморчилик иншоотлари, археологик ёдгорликлар, техник иншоотлар, зиёратгоҳлар ва музейлар ҳақида маълумотлар билан танишиш имконияти мавжуд.

Бугунги кун ўқитувчиси ўзининг педагогик маҳоратини намоён этган ҳолда дарс давомида бевосита мавзуга оид қўшимча электрон маълумотларнинг интернет манзили (ҳаволаси)ни ўқувчиларга фойдаланиш учун тақдим этиши керак. Ўқитувчининг ахборот-коммуникацион ва педагогик технологияларни уйғунлашган ҳолда қўллаб дарс ўтишида анъанавий усулдаги дарсдан фарқли равишда улкан маълумотлар омборининг мавжудлиги ҳамда ўқувчилар ҳаракатининг фаоллиги билан ажралиб туради.

Медиатаълим муаммоси юзасидан адабиётлар таҳлили аудитория медиакомпетентлигини ривожлантиришга йўналтирилган машғулотлар ўйин ва ижодий шаклдаги иш турларига асосланганлигидан далолат беради. Хусусан, медиатаълимда



турли ижодий топшириқлар ўқув материали мазмуни, характер хусусиятлари асосида таснифланади; яъни уларга қўйиладиган талаблар характери, олинадиган якуний натижага қўйиладиган талаблар, бажариладиган ўқув ишлари «маълумотлари» ва «мақсадлари» нисбатларидан, ташкилий ва амалга ошириш шаклларида келиб чиққан ҳолда амалга оширилади. Бугунги кунда медиатаълим амалиётида нисбатан кенг тарқалган медиамаданият материалларига қўйидаги циклдаги ижодий топшириқларни келтириш мумкин: Аудиториянинг техник воситалар, ўйин шакллари, эвристик усуллар ёрдамида медиа материаллари юзасидан креатив кўникмаларни эгаллашлари учун роллимитацион, муаммоли-вазиятли, ижодий-тасвирий топшириқлар. Аудиториянинг медиа матнларни тўлақонли англаб етишларини ривожлантиришга йўналтирилган ижодий топшириқлар цикли. Аудиторияда медиа матнни таҳлил қилиш кўникмаларини ривожлантиришга йўналтирилган ижодий вазифалар цикли ҳисобланади.

ХУЛОСА

Тарих дарслари жараёнига ахборот-коммуникацион технологиялар, яъни медиа таълими, мобил ўқитиш тизимини жорий этилиши натижасида ёшларни мустақил ижодий ишлаш, эркин фикрлашга ўргатиш қобилиятлари шаклланади. Бугунги кунда педагогика соҳасидаги энг янги тажриба маҳсулларини таълимга интеграциялашуви давр талаби экан, унинг таълим-тарбия билан узвийлигини таъминлаш педагогларимизнинг бирламчи вазифасидир.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 187–сон қарори. <https://lex.uz/docs/3153714>.
2. Бабаджонов С.С. Педагогика олий таълим муассасалари талабаларининг медиакомпетентлигини ривожлантириш технологияси («Информатика ва ахборот технологиялари» фанини ўқитиш мисолида) 13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи. Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Тошкент – 2018

3. Пўлатова Д.Т. Таълим жараёнига электрон ахборот таълим ресурсларини жорий этишнинг педагогик шарт-шароитлари.// Замонавий таълим.-Т.: 2015.- №7.-11-16 б

4. Таълим-тарбия жараёнига замонавий педагогик ва ахборот коммуникация технологияларини самарали жорий этиш: муаммо ва ечимлар. Бухоро вилоят ХТХҚТМОИ. Республика илмий – амалий конференцияси тезислар тўплами. II қисм (8-9 январ) Бухоро 2016.

5. Огольцова Н.Н. Мультимедийные проекты как средство повышения квалификации педагогов: дис. ... канд. пед. наук / Н.Н. Огольцова. - Новокузнецк, 2007. - 229 с.

